ЗАМОНАВИЙ УЗЛУКСИЗ ТАЬЛИМ МУАММОЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

Махлиё Усмонали қизи Юсубова
ТВЧДПИ талабаси
mahliyo.yusubova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада юртимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳамда фан таьлим сохасидаги яратилган имкониятлар, амалиётга татбиқ этилган қонунлар ёритилган. Мақолада таьлим тизимидаги муаммоларга ечимлар ҳам берилган.

Калит сўзлар: Давлат, Президент,Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, Олий таьлим, юридик фанлар,жамият, қонун хужжатлари.

MODERN CONTINUOUS EDUCATION PROBLEMS AND SUGGESTIONS

Mahliyo Usmonali qizi Yusubova
Student of Chirchik State Pedagogical Institute
mahliyo.yusubova@mail.ru

ABSTRACT

This article describes the ongoing legal reforms in our country, the opportunities created in the field of science education, the laws applied in practice. The article also provides solutions to problems in the education system.

Keywords: State, President, Cabinet decisions, Higher education, legal sciences, society, legislation.

КИРИШ

Ҳозирги кунда узлуксиз таьлим ва кадрлар тайёрлаш тизими ҳар қандай давлатни замон талабларига хамоҳанг равишда инновацион ривожланишида муҳим омилга айланган. Халқаро педагогик амалиётда ўқувчилардан рефлексив кўникмалар шакиллантириш ва ривожлантириш жараёнларини такомилллаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизмларини лойихалаштириш муҳим ҳисобланади. Бу эса ўқувчиларни шахсий сифатларини мустақил ривожлантириш билан бир қаторда, уларни рефлексив фаолият кўрсатишга ундовчи мотивация сифатида хизмат қилади.

Бундай кўникмаларни ривожлантиришда бир қанча шарт-шароитлар яратилиши зарур:

- ўз уқув фаолиятини тахлил қилиш, ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш;
- ўқиш, ўрганиш, мустақил таьлим олиш ва касб хунар ўрганишнинг келажакдаги амалий аҳамияти англаб етиши;
- ўқувчилар ўзини мустақил субькт сифатида ҳис этиши, эркин сўзлаши;
- мустақил таьлим олиш ва касб ҳунар ўрганишниши учун мотивацияга эга бўлиши;
- ўз фаолияти натижалари ва имкониятлари даражасини обьектив баҳолаши;

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Рефлексив ёндашув жараёнида ўқувчилар ўз фаолиятини ўзи таҳлили қилиши ва обьектив баҳолаши учун шароитлар яратилади. Бу эса вақтни тежаш, ундан унумли фойдаланиш ҳамда келгусидаги натижалар самарадорлигига ҳам сезиларли равишда таьсир этади. Дунёдаги етакчи давлатларининг таьлим тизимидаги ютуқларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкунки, бундай ёндашувни республикамизнинг барча таьлим муассасаларида қўллаш анча яхши самара беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёевнинг “ Яна бир муаммони хал этиш ўта муҳим ҳисобланади: бу педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессинал даражаси, уларни махсус билимларидир. Бу борада таьлим олиш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур”.-деб айтган фикрлари муҳим аҳамият касб этади.

Шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда, таьлим жараёнлари ҳам янги ўқитиш методикалари билан янгиланиб бормоқда. Таьлим бериш сохалари ва уларни ўрганишнинг энг самарали усуллари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Олий таьлим муассасаларида бир қанча ўзгаришларга сабаб бўлган қонун лойиҳаларига тўхталиб ўтсак:

НАТИЖАЛАР

“Умумий ўрта таьлим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш тадбирлари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 422-сонли (06.07.2020) қарорига асосан Умумий ўрта таьлим муассасаларида “Одобнома”, “Ватан туйғуси”,”Миллий истиқлол ғояси

ва маънавият асослари” ҳамда “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштирган ҳолда ягона “Тарбия” фани босқичма – босқич амалиётга жорий этилади.

Шунингдек, 2020-2023 йилларда республиа Олий таълим муассасаларининг “Бошланғич таълим”,” Тарих”(мамлакатлар ва минтақалар бўйича),”Тарих ўқитиш методикаси”,” Филология ва тилларни ўқитиш: Ўзбек тили”,”Ўзбек тили ва адабиёти”,” Миллий ғоя,маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”, ”Педагогика ва психология”, ” Диншунослик” ва Исломшунослик(Ислом тарихи ва ва манбашунослиги),” Психология” (Дин социопсихологияси) “ таълим йўналишлари битирувчиларига умумий ўрта таълим мактабларида “ Тарбия” фанини ўқитиш ҳуқуқи берилиши юзасидан зарур чораларни кўриш ва мазкур таълим йўналишлари ўқув режаларига 2020/2021 ўқув йилидан тегишли ўзгартиришлар киритилиши юзасидан қарор қабул қилинди.

МУҲОКАМА

Шунингдек 2020-2021 ўқув йилидан педагогик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ” Миллий ғоя:маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши ўринига “Тарбия ва ҳуқуқ таълими” йўналиши очиш чора-тадбирларини кўриилиши таъкидлаб ўтилди.

Бундан эса қуйидагича хулоса келиб чиқади: умумий Ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фани жорий этилиши ва юқорида таъкидлаб ўтилган (“Бошланғич таълим”,” Тарих” (мамлакатлар ва минтақалар бўйича),”Тарих ўқитиш методикаси”,” Филология ва тилларни ўқитиш: Ўзбек тили”,”Ўзбек тили ва адабиёти”,”Миллий ғоя,маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”, ”Педагогика ва психология”, ”Диншунослик” ва Исломшунослик (Ислом тарихи ва ва манбашунослиги), ”Психология” (Дин социопсихологияси)) олий таълим йўналишлари битирувчиларида хам “Тарбия” фанидан дарс бериш имконияти мавжуд. Бунда эса умумий ўрта таълим муассасаларида ҳуқуқ фанидан дарс соатлари ҳам кам эканлигини хисобга олсак, ”Миллий ғоя:маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши ўринига очилаётган “Тарбия ва ҳуқуқ таълими” йўналиши битирувчиларининг дарс соатлари хам сезиларли равишда камаяди. Бунинг олдини олиш учун яна бир неча ўзгартиришлар киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хусусан:

1. Мазкур йўналишни “Тарбия ва ҳуқуқ таълими” йўналиши эмас “Ҳуқуқ ўқитиш методикаси”тарзида ўзгартириш;

2. Шу йўналиш асосида турли хуқуқ сохаларини (инсон ҳуқуқлари, Фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат хуқуқи, жиноят хуқуқи, халкаро хуқуқлар, геопалитика, сиёсатшунослик...) кенгайтирилган тартибда ўқитиш;

3. Умумий ўрта таьлим муассасаларида ҳуқуқий фанлар салмоғини ошириш ва юридик фанларга ихтисослаштирилган умумий ўрта таьлим муассасаларини ташкил этиш;

4. Олий таьлимда мазкур йўналиш талабаларини фақатгина мактабларда эмас балки Ички ишлар органларида, суд-ҳуқуқ тизимида, адвакатура ва прократураларда амалиёт ўташ ва олган назарий билимларини амалиётда янада мустаҳкамлаш учун шароит яратиш зарур.

ХУЛОСА

Юқоридаги таклифлар ҳам ўрганилиб амалиётга табиқ этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки масаланинг бошқа тарафига хам эьтибор қаратиш лозим,"Миллий ғоя:маьнавият асослари ва хуқуқ таьлими"йўналишини тамомлаган битирувчиларнинг кўп қисми давлат органларида иш фаолиятини юритади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001- йил 16-августдаги 343-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон давлат стандарти Ўзбекистон узлуксиз таьлимининг давлат таьлим стандарти (Олий таьлим йўналишлари ва мутахасисликлари класификатори)"га кўра:

- "5111600" таьлим коди бакалавр бўйича "Миллий ғоя:маьнавият асослари ва хуқуқ таьлими" таьлим йўналишини билдиради.

Демак олий таьлимни "Миллий ғоя: маьнавият асослари ва хуқуқ таьлими" йўналиши бўйича тугатган шахслар давлат ташкилотларидаги бош юрисконсультгача (яьни, бу лавозимдан қуйи турувчи) бўлган, хуқуқшунослик лавозимларида, шунингдек Мажбурий ижро бюроси бўлинмаларида давлат ижроси ва бошқа вазифаларида фаолият юритса бўлади.

Республикада аҳолининг хуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни юридик билимларини янада кенгайтириш бунинг учун керакли шарт-шароитларни яратиш зарур. Ўз хуқуқларини шунинг билан бир қаторда ўзининг бурч ва мажбуриятларини чуқур англаб етган шахслар мамлакат ривожига катта хисса қўшади. Зеро, қонунлари мустахкам ва муқаррар бўлган мамлакатда ривожланиш бўлади ва доим тинчлик ҳукм суради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 422-сонли (06.07.2020) қарори;
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2001- йил 16-августдаги 343-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикасининг (23.09.2020)” Таълим тўғрисидаги” қонун ҳужжатлари(Қонунчилик палатаси томонидан 2020-йил 19- майда қабул қилинган, Олий Мажлис томонидан 2020-йил 7- августда мақулланган.)

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 422-сонли (06.07.2020) қарори;
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2001- йил 16-августдаги 343-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикасининг (23.09.2020)” Таълим тўғрисидаги” қонун ҳужжатлари(Қонунчилик палатаси томонидан 2020-йил 19- майда қабул қилинган, Олий Мажлис томонидан 2020-йил 7- августда мақулланган.)